БУЮК МУТАФАККИР АХМАД ДОНИШНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИГА ОИД ҚАРАШЛАРИ

Юсуф Мингишевич Якубов
ТошДАУ фалсафа фанлари номзоди, доцент

Бердияр Балтабаевич Сапаров
ТошДАУ фалсафа доктори (Ph.D.), доцент

Дилафруз Муродовна Якубова
ТошДАУ мустақил тадқиқотчи

АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда аждодлар меъросини ўрганишга ва уларни чуқур таҳлил этиб мулоҳаза қилишга ва шунингдек, давлат раҳбарлари халқ билан бевосита мулоқот ўрнатиши, одил қонунлар чиқариши, лавозимга тайинланадиган кадрларнинг қобилияти, тажрибаси ва билимини ҳисобга олиш ва фаолиятини назорат қилиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Демократия, фуқаролик, фуқаролик жамияти, давлатчилик, фуқаро, сиёсий тизим, сиёсий онг, давлат бошқаруви.

VIEWS OF THE GREAT THINKER AHMAD DONISH ON CIVIL SOCIETY

Yusuf Mingishevich Yakubov
Candidate of Philosophical Sciences, Associate Professor Tashkent State Agrarian University

Berdiyar Baltabaevich Saparov
Doctor of Philosophy (Ph.D.), Associate Professor of Tashkent State Agrarian University

Dilafruz Murodovna Yakubova
An independent researcher of Tashkent State Agrarian University

ABSTRACT

The article examines and analyzes the heritage of ancestors in the development of a democratic state and civil society in the country, as well as direct communication of heads of state with the people, the adoption of fair laws, taking into account the abilities, experience and knowledge of appointees. special attention is paid to the need.

Keywords: Democracy, citizenship, civil society, statehood, citizenship, political system, political consciousness, public administration.

КИРИШ

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг маънавий асосларида энг асосий устувор йўналишлардан бири жаҳон цивилизациясига бетакрор ҳисса қўшган, маърифат ва мустақиллик учун кўрашган аждодларимиз ва улар томонидан қолдирилган маънавий мерос

ва тарихий тажрибаларни ўрганиш, давлатчилик масалаларини чуқур таҳлил этиш, унинг барча босқичлари даврларига холис, ҳаққоний баҳо бериш, тегишли хулосалар ишлаб чиқишни талаб этади. Призидентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек—"…эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада равнақ топтиришнинг мустаҳкам заминидир". Зеро, биринчи призидент И.А.Каримовнинг "Тарихга, меросимизга муносабатни амалий изга кўчириш лозим. Яъни, дарсликлардан тортиб оддий ўқув китобларигача ҳақиқат ёзилиши шарт. Бу бизнинг ота-боболаримиз рухи олдидаги қарзимиздир» деган фикрлари давлатчилик масалалари билан бевосита шуғулланувчи олимлар олдига катта вазифаларни юклайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Давлатчилик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, собиқ шўро даврида ҳам миллий давлатчилигимизни, адолатли ҳукмдорларни ҳамда улар томонидан амалга оширилган кўплаб эзгу ишларни ўша даврда ҳам ўрганиш мумкин эди. Аммо бундай масалалар иккинчи даражали деб ҳисобланар ва ўз ўрнида эътибордан четда қолиб кетаверар эди. Зеро, мутафаккир Ахмад Дониш Амир Шохмуроднинг халифа Умар билан бир қаторга қўйиб «амирлик гиламини камбағаллик кийими билан безади, жаҳон боғидан душманлик ва ёмонлик томирини суғуриб ташлади ва адолат ниҳолларини ўтказди», деб ўша даврда ҳам юксак баҳолаган эди. Демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини қарор топтириш тўғрисида ўз даврининг уйғоқ фарзандлари, фан арбоблари ҳамда давлат ходимлари фаол маънавий ҳаракат олиб бордилар. Мана шундай сиймолардан бири XIX асрда Бухорода яшаб, ижод этган демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид бир неча асарлар муаллифи, забардаст қомусий олим Ахмад Донишдир Маърифатпарвар Ахмад Дониш (1827-1897 й.) инсон оламни, ўзи яшаётган ижтимоий муҳитни ўзгартиришга қодир. Бунинг учун у нафақат диний, балки дунёвий билимларни билиши зарур, деб ҳисоблайди. «Биз дунёни гуллаб-яшнатиш учун, денгизларни кезиб ўрганиш учун, ер ости бойликларини топиш учун, дунёнинг ажойиб сирли томонларини талқин этиш учун, унинг ҳамма қитъалари ва аҳолисини билиш учун туғилганмиз», деб ёзади Дониш ўзининг «Наводир ул-вакоеъ» асарида. Мутафаккир халқ ҳокимиятчилигига асосланган озод жамиятнинг ҳаётга тўлақонли жорий бўлиши учун мамлакатда истиқомат қилаётган барча фуқароларнинг сиёсий жиҳатдан тенг ҳуқуқли эканлигини таъминлаш, қонунларга итоат этишни ўз бурчи деб билиши ва ижтимоий ҳаётга фаол ва

масъулиятли ёндошувини шакллантириш бўйича ўз тавсия ва назарияларини илгари сурди. Ахмад Дониш фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида қатор самарали амалий ишлар олиб борди ва у ўз натижасини кўрсатиб, келажакда шаклланган жадидчилик ҳаракати ва давлат ходимлари учун маънавий асос бўлиб хизмат қилди. Ахмад Донишнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари унинг Наводир ул-вакое», «Манғитлар хонадони ҳукмдорлари тарихидан қисқача рисола» каби асарларида акс этган.

НАТИЖАЛАР

Ахмад Дониш давлатда амалга оширилиши зарур бўлган демократик ислоҳотлар лойиҳасини ишлаб чиқади ва уни Бухоро амирига тавсия этади. Дониш лойиҳасига асосан, палата бир гурух кишилар эҳтиёжларини қондириш сари эмас, балки умумхалқ эхтиёжларини ошириш учун, халқ манфаатларига хизмат қилиш учун, мамлакатда тукин-сочинликни таъминлаш учун, энг аввало, мамлакатни обод этиш, аҳолига барча имкониятларни яратиб бериш учун хизмат қилмоғи даркор бўлади. Унинг фикрича, адолатни таъминлашнинг ягона йўли — бу давлат раҳбарининг маърифатпарвар, билимдон, одил, элу юрт манфаатлари йўлида хизмат қиладиган, ҳар қандай масалани ҳал қилишда ўзини оддий фуқаро ўрнида кўра оладиган ҳукмдорнинг давлат тепасида туришидадир, деб эътироф этади. Давлатни бошқарувида турган киши учун зарур хислатлар барча амалдор шахсларга ҳам хос бўлиши шартдир. Шундагина, мамлакатда тартиб ва адолат ҳукм суради, жамият фаровон бўлади. Агар адолат нуқтаи назаридан ўйлаб қаралса, дейди Дониш, ҳар ким ўз ери билан қаноатланиши керак. Ахмад Дониш сиёсий қарашларининг муҳим жиҳати — демократияга асосланган давлат бошқарувини амалга ошириш ғоясидир.

Ахмад Дониш давлатни бошқариш ишларидан жуда яхши хабардор ва бу борада ўзи ҳам катта ҳаётий тажрибага эга бўлганлиги учун демократик ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг кафолатланган воситалари ва ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. У бу борада демократик давлат моделларини қуйидагича тасниф қилади:

- давлат раҳбарлари халқ билан бевосита мулоқот ўрнатиши;
- давлат раҳбари вазирлар, давлат хизматчилари ва ҳокимларнинг бажарадиган амалларини кузатиб, назорат қилиб боришидир;
- солиқларни ижобий ҳуқуқий таъминлаш воситасига айлантириш;
- адолатли қонунлар (фармонлар) қабул қилиб, уларга итоаткорликни таъминлаш;

- бош вазирни халқ розилиги ва обру эътиборга эга кишилар маслаҳати билан тайинлаш;
- ҳар бир лавозимдаги кишининг хизмат вазифасини белгилаш ва маош билан таъминлаш;
- лавозимга тайинланадиган кадрларнинг қобилияти, тажрибаси ва билимини ҳисобга олиш ва фаолиятини назоратга олишдан иборатдир.

МУҲОКАМА

Ахмад Дониш таъбирича, мамлакатда демократия амал қилиши учун давлат органларида, хусусан, қонун қабул қилувчи орган тизимида ислоҳотлар ўтказилиши лозим. Мутафаккир таъкидлашича, мамлакат равнақи, халқ тинчлиги, иқтисодиётнинг, маданиятнинг юксалиши демократия қарор топишининг зарурий шарти — давлат ишларини қаттиқ тартиб билан олиб борилишига боғлиқ. Шунинг учун у «давлат бошлиғи ва лавозимдаги кишиларнинг мажлислар ўгказиш тартиби, лавозимдаги кишиларнинг муносабати, оилавий муносабати, бошқа халқлар билан муносабатини тартибга солиб турадиган қонун ишлаб чиқариш керак", деб ёзади. Шунингдек, Аҳмад Дониш демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг камол топишида раҳбар шахснинг ўрни борлигини айтиб ўтади. Шу ўринда, ўз даврида зулм ва ҳақсизликдан бошқа ишни қилмайдиган золим ва фазилатсиз мансаб эгалари ҳақида буюк аллома Махмуд Замахшарийнинг қуйидаги фикрларини ҳам келтирамиз: "Золим бошлиқлар ёмон феъл-атвори билан ўзини (бугуни ва охиратини) таҳликага қўйур. Булар басиратсиз (ўзоқни кўрмайдиган) одамлар — ўткинчи иззат-обрў учун келгусида ҳайратланиш, ажабланиш қоронғилигида қолган заиф ва бечоралардир. Булар охири «Ох!» деган афсус ўқига нишон бўлажаклар". Фуқоролик жамиятини қуриш учун, энг аввало мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларга нисбатан эркин фикр-мулоҳазаларини ошкор ифода эта оладиган жамоатчилик фикрини шакллантириш керак.

ХУЛОСА

Ушбу мутафаккирларнинг қарашларини ўрганиб шундай хулосага келиш мумкинки, юртимизда мустақилликнинг илк кунларидан касб маданияти ва дунёқараши шаклланган, ташаббускор, ғайратли, шижоатли, юксак малакали раҳбар кадрларни тайёрлаш ишлари жадал бошлаб юборилди. Бу борада бой сиёсий меросимизни ўрганиш туфайли биз давлат бошқарувини такомиллаштириш, республикамизнинг ички ва ташқи сиёсатини хато ва камчиликларсиз амалга ошириш, замонавий раҳбар кадрларни тайёрлаш, танлаш

ва жой жойига қўйиш билан боғлиқ бугунги муаммоларнинг тўғри ва самарали ҳал этилиши учун зарур тавсиялар ва кўрсатмаларга эга бўламиз. Мутафаккирнинг демократик ислоҳотлар назарияси, мамлакатни қолоқликдан олиб чиқиш, сиёсий тизимни тубдан янгилаш, халқнинг сиёсий онгини ошириш, мудофаа тизимини қайта кўриш, мамлакатни демократлаштириш ҳақидаги қарашлари бугунги кунимиз учун ҳам ўз қийматини йўқотмаган мулоҳазалар, уларни ўрганиш бизнинг асосий бурчимиздир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда демократик ислоҳатларни амалга ошириш жараёнида, ҳокимият тузилмаларининг ваколатлари тобора қисқартирилиб, бошқарув номарказлаштирилмоқда, парламент ва кўппартиявийлик тизимлари мустаҳкамланиб бормоқда. Буларнинг барчаси кучли фуқаролик жамиятини қуриш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг учун фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга кузатувчи сифатида эмас, балки фаол иштирокчисига айланишига эришмоқ лозим.

REFERENCES

1. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз-Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. Б-8.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида-Т:.Ўзбекистон, 2011. 432-бет.
3. Аҳмад Даниш. История мангитской династии. - Душанбе: Дониш, 1967. 26-бет
4. Ахмад Дониш. Наводир ул-вакое. Т:. Фан, 1964. 64-бет. Яна қаранг: Дониш А. Рисола дар назми тамаддун ва таовун. - Душанбе: Ирфон, 1976.51-бет.
5. Ахмад Дониш. Наводир ул вақое. Т:. Фан, 1964. 71-бет.
6. Замахшарий М. Ёмон раҳбарнинг ҳоли. Китобда: Олтин шодалар. Т:. EXTREMUM PRESS, 2010. 37-бет.
7. Aktamovich, I. R., & Ziyadillayevich, I. A. (2020). Historical and Theoretical Roots of Establishing a Democratic Law in Uzbekistan. *EPRA International Journal of Multidisciplinary Research*, *6*(10), 507-510.
8. Ikramov, R. (2020). Constitutional and Legal Framework for Environmental Human Rights. *The scientific heritage*, *4*(54), 6-12.
9. Taukebayeva, E. S., Zhumabekov, M. U., Saparov, B. B., & Khaytmetov, R. K. (2020). Understanding State Failures in the Central Asian Region. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(1), 180-188.
10. Сафронова, Е. М., & Сапаров, Б. Б. (2020). Культура качества воспитания в высшем образовании. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(2), 49-55.